

7-26-2020

THE SIGNIFICANCE OF USING A BIOGRAPHICAL METHOD IN CONCEPTUALIZING NAVOI'S LITERATURE

Obodon Istamovna Adizova

lecturer, department of german and french, PhD, BSU

Gulrukh Shavkatovna Kahhorova

researcher, BSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the Arts and Humanities Commons

Recommended Citation

Adizova, Obodon Istamovna and Kahhorova, Gulrukh Shavkatovna (2020) "THE SIGNIFICANCE OF USING A BIOGRAPHICAL METHOD IN CONCEPTUALIZING NAVOI'S LITERATURE," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 3 : Iss. 3 , Article 10.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol3/iss3/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

страдают, трудятся и гибнут персонажи романов Золя Конвенциональная гибкость городского текста обусловила возможность адаптации традиционных образов парижского текста французской литературы (например, Нотр-Дам, Лувр или молодой провинциал в Париже) новым условиям функционирования в романах Золя выполняет существенные функции на сюжетно-фабульном уровне текст города становится фоном, который придает актуальность изображаемым событиям, тем культурным континуумом, в котором разворачиваются события. Этому, помимо прочего, способствует воссоздание объективного и субъективного художественного времени. Материально-культурный субстрат парижского текста, изображение запахов, гастрономии, климата и пространственных характеристик Парижа обеспечивают детализированное воссоздание исторического колорита эпохи. На уровне персонажей парижский текст позволяет проявиться в активном взаимодействии со «средой» основным качествам героев.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. **Jirmunskiy V.M.** Problemi sravnitelno-istoricheskogo izucheniya literatur //Jirmunskiy V.M. Sravnitelnoye literaturovedenie: Vostok i Zapad. - L.: Nauka, 1979. - 119 с.
2. **Ivbulis V.Ya.** Romantizm i traditsionnaya indiyaskaya misl //Cb. Vostok i Zapad. Vzaimodeystvie kultur. - M., 1987. - S. 155-171.
3. Istoriya zarubejnoj literaturi XIX veka. Chast pervaya. - M.: MGU, 1979. - S. 211-221.
4. Istoricheskaya poetika. Itogi i perspektivi izucheniya. - M.: Nauka, 1986. - S. 270-276.
5. **Shteyn A.L.** Istoriya frantsuzskoy literaturi. - M., 1988. - S. 270-279.
6. **Gololobov M.A.** Gorodskoy tekst i rakursi yego interpretatsii //Vestnik Tambovskogo gosudarstvennogo universiteta. Ser.: Gumanitarnie nauki. - Tambov, 2008 - Vip.1(57). - S. 178-182.
7. **Gololobov M.A.** Parijskiy diskurs i parijskiy tekst v romane E.Zolya «Zapadnya» //Vestnik Tambovskogo gosudarstvennogo universiteta. Ser.: Gumanitarnie nauki. - Tambov, 2008. -Vip.12(68). - S. 232-236.
8. **Gololobov M.A.** Parijskiy tekst v romane Viktora Gyugo «Sobor Parijskoy Bogomateri» // Filologiya i kultura Materiali VI Mejdunarodnogo nauch.konf 17-19 oktyabrya.2007 goda / Ot vred N.N. Boldiryov - Tambov Izd-vo TGU im. G.R. Derjavina, 2007. - S. 537-539.

УДК: 809.1.001.2

НАВОИЙ АСАРЛАРИНИ АНГЛАШДА БИОГРАФИК МЕТОДДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

ЗНАЧИМОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БИОГРАФИЧЕСКОГО МЕТОДА В ОСМЫСЛЕНИИ ПРОИЗВЕДЕНИЙ НАВОИ

THE SIGNIFICANCE OF USING A BIOGRAPHICAL METHOD IN CONCEPTUALIZING NAVOI'S LITERATURE

Адизова Ободон Истамовна

БухДУ немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси, (PhD)

Қаҳҳорова Гулрух Шавкатовна

БухДУ изланувчиси

Adizova Obodon Istamovna

lecturer, department of german and french, PhD, BSU

Kahhorova Gulrukh Shavkatovna

researcher, BSU

Таянч сўзлар: бадиий образ, адабиётшунос, биографик усул, биографик характер, қомусий мутафаккир, шоир, академик олим, ватанпарвар, илмпарвар.

Ключевые слова: художественный образ, литературовед, биографический метод, биографический характер, мыслитель-энциклопедист, поэт, ученый академик, патриот, ревнитель науки.

Key words: literary image, specialist in literature, biographical method, biographical character, sophist encyclopedist, king and poet, modern writer, academic scientist, patriot, science adherent.

Мақолада академик Азиз Қаюмовнинг Навоий асарларини англашда биографик усулдан фойдаланиш маҳорати ёритилган. Навоий асарларини биографик усулда, яъни муаллиф асарига унинг таржимаи ҳоли, яшаган даври нуқтаи назаридан ёндашиб ўрганиш адабиётшунос А.Қаюмов фаолиятининг устувор йўли бўлиб, Навоийни англашда, унинг асарлари моҳиятини чуқур тушунишда энг мақбул метод эканини тўлиқ намоён этади. Бу метод воситасида шоир асарларида унинг биографиясига оид маълумотлар аниқлаб берилгани асосланган.

В статье описывается умение академика Азиза Каюмова использовать биографические методы для понимания творчества Навои. Изучение творчества Навои в биографическом плане, т.е. с точки зрения его биографии, периода жизни, является приоритетом литературного критика А. Каюмова и полностью демонстрирует, что это лучший способ понять Навои, понять суть его произведений. Этот метод основан на том, что произведения поэта содержат информацию о его биографии.

The article describes the skill of academician Aziz Kayumov in using biographical methods in understanding the works of Navoi. The study of Navoi's works in a biographical way, that is, the approach to the author's work in terms of his biography, period of life, is a priority of the literary critic A. Kayumov, and fully demonstrates that it is the best way to understand Navoi. This method is based on the fact that the poet's works contain information about his biography.

Кириш. Ўзбек адабиётшунослигининг катта билимдони, академик Азиз Қаюмов улуғ шоир Алишер Навоий асарларини англашда биографик усулдан фойдаланиш ўзига хос самара беришини англаб, кўпинча бу методга таянгани, у орқали шоир асарларида унинг биографиясига оид маълумотларни аниқлаб бергани кузатилади.

Асосий қисм. Маълумки, Алишер Навоий ҳақида ёзилган манбалар унинг шахс сифатида ҳимматли бўлганини ошкор этади. Унинг ҳимматлилиги, аввало, истеъдодли инсонларни иқтисодий-маънавий қўллаб-қувватлаганида намоён бўлади. Навоий баланд ҳимматли бўлмоқни ҳаммавақт қадрлаган ва бошқаларни ҳам мудом шунга ундаб келган. “Ҳайрат ул-аброр”, “Лисон ут-тайр” дostonларида Навоийнинг ҳиммат тўғрисидаги эзгу фикрлари изҳорининг янгича бир кўриниши кўзга ташланади. Айни дамда шоир таъмага қарши курашиш заруриятини ҳам бу асарларида билдириб ўтган. Ҳатто таъмагирликни қоралаш шоирнинг таълим-тарбия ишидаги асосий принципларидан бўлган. Шоир ижодини унинг ҳаёт йўли билан боғлаб ўрганишга бошқалардан кўра кўпроқ интилган академик Азиз Қаюмов: “Лисон ут-тайр”да Навоийнинг бошқа дostonларида бўлгани каби шоир ҳаёти, кундалик турмушида содир бўлган айрим кўринишларнинг тасвирини топамиз. Бу маълумот Навоийнинг ўзи томонидан келтирилаётгани учун ҳам ғоят ишонарли ва муҳимдир” [1] – дейди. Дарҳақиқат, “Лисон ут-тайр”нинг охирида “Бу китоб назмида ўз муносабатининг тақриби” сарлавҳали боб бўлиб, унда Навоийнинг мактабда ўқиб юрган пайтида Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” дostonини қанчалар берилиб ўқигани тўғрисидаги маълумот бор. Шу маълумот асосида яна Навоий болалиқда таҳсил олган мактабда ўқиш-ўқитиш жараёни қандай уюштирилган эканлигидан хабар топиш, ўша мактабдаги ўқитиш усули билан танишиш мумкин. Чунки шоир бу ўринда ўзи болалиқ чоғида ўқиган мактабда ўқишнинг қандай уюштирилганлигини эсга олиб ўтади. “Лисон ут-тайр” дostonида Навоийнинг болалиқ йилларидан шеър ёза бошлагани, бу шеърлар туркий (эски ўзбек) тилида ёзилган экани, ўз шеърларида Навоий ва Фоний тахаллусларини ишлатгани тўғрисидаги биографик маълумотлар учрайди. Шу тариқа Навоийнинг ижод тажрибасига нигоҳ ташлаб, жуда кўп тарихий маълумотларга эга бўлиш мумкин. Ундаги маълумотлар шоирнинг “Лисон ут-тайр”ни олтмиш ёшга қадам қўяётганида ёзганини билдиради. Яна Навоий ўзининг бу дostonини “Дилкашнома” деб атаганини ва уни 905

йилда ёза бошлагану ўша йили бор-йўғи бир-икки ой ичида муттасил ҳар кеча ижодий иш билан машғул бўлиши оқибатида тез ёзиб тугаллаганини, бу эса 905 ҳижрий йили 1498-1499 мелодий йилга тўғри келишини билдиради. Бу пайтда Навоий 60 ёшда эди.

Умуман айтганда, Навоий асарларида учрайдиган бу каби абжод ҳисобига алоқадор сатрлар унинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни янада ойдинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг ёзилиш пайтини Навоий “хуш” сўзининг сон маъноси билан белгиланган. Бу 906 ҳижрий йилидир. Ҳозирги ҳисобда 1500-1501 йил бўлади. Навоий 1501 йил 3 январь куни дунёдан ўтган. Демак, “Маҳбуб ул-қулуб” унинг вафотидан озгина фурсат олдин ёзиб тугалланган асаридир[2], – деб кўрсатади А.Қаюмов.

“Лисон ут-тайр”да мазкур дostonнинг ёзилган вақти ҳақида шундай маълумот келтирилган:

Йил тўққиз юз ўттиз эрди доғи тўрт,
Ким улуснинг кўнглига солди бу ўрт.

“Лисон ут-тайр”да Навоий ўзининг бахтсиз севгиси тўғрисида ҳам сўзлайди. Бу иқрор шарҳи Шайх Санъон ҳикоясидан кейин келган. Ўша шўх тарсо қиз ишқида шайх Санъоннинг бошига тушган савдоларини баён этиб бўлгач, Навоий ўзининг муҳаббати тўғрисида шундай дейди:

Шайхни андоққи, шайдо этти ишқ,
Одам аҳли ичра расво этди ишқ.
Сўнгра мендин солмади ғавгосини,
Кимса кўнгли мулкига яғмосини.
Ҳолимандин кимса гар ортуғ демас,
Ортуғ эрмас бўлса ҳам ўксук эрмас.

Шу сатрлар таҳлилини қилган А.Қаюмов фикрича: “Демак, Навоийнинг кўнглига тушган ишқ оташи Шайх Санъоннинг қалбига тушган севги оловидан кам эмас эди. Эҳтимол, ундан кучлироқ ҳам бўлган. Лекин ундан кам бўлмаган. Шоирнинг аҳволи ҳам Шайхнинг аҳволи каби дардлар билан тўла бўлган”[3].

А.Қаюмов улуғ шоир асарларини синчиклаб ўрганар экан, шу ўрганганлари асосида уни “она тилининг жонбоз курашчиси”[4]дея таърифлайди. Олим бу фикрларини Навоийнинг ўз она тили туркий (эски ўзбек) тилининг ўсиши, гуллаб-яшнаши, унинг барча имкониятларини юзага чиқариши учун беҳад хизматлар қилгани мисолида асослайди.

Дарҳақиқат, Навоий “Лайли ва Мажнун”, “Лисон ут-тайр” каби дostonларини ёзар экан, уларни она тили туркийда ёзганлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтиши бежиз эмас. Бу билан шоир она тилининг мавқеъини кўтармоқнигина эмас, уни ривожлантириш, ўз халқи – турк халқига олий даражадаги тафаккур маҳсулларини етказмоқни мақсад қилгани аёнлашади.

“Навоийнинг “Ҳаво хуш эрдию илкимда бир қадаҳ майи ноб” мисраси билан бошлангандиган бу ғазалидаги ошиқ ва маҳбубанинг учрашуви, уларнинг бир қадаҳ май устидаги муомаласи, бу муомаланинг бошида ошиқ томонидан билдирилган гинахонлик, ўртада шу туфайли туғилган таранглик, сўнгра маҳбубанинг лутфу марҳамати билан бу тарангликнинг йўқолиши, ниҳоят ушбу учрашувнинг лирик қаҳрамон — ошиқ учун “васл беҳишти” сингари туюлмоғи реал ҳаётини лавҳалар сингари кўрилмоғи керак. Навоийнинг лирик шеърларида ана шундай реал турмуш кўринишларини акс эттирувчи бадий сувратлар анча бор. Булар Навоийнинг ҳеч қачон реал ҳаётини воқелиқдан узилмаганини кўрсатиб туради”[5].

“Насойим ул-муҳаббат”да Навоий ўзи учун қадрли ва ҳурматли бўлган жуда кўп инсонларни эҳтиром билан ёдга олиб ўтган. Улар ҳақида ўз билганларини баён этган. Бобо Пирий, Бобо Хокий, Мавлоно Шарафиддин Яздий ва бошқалар ана шундай кишилардан эди. Масалан, Навоий ўзининг болалик чоғида машҳур тарихчи Шарафиддин Яздий билан учрашгани тўғрисидаги ҳикояни келтириб: “Бу ҳақир сиғарисинда ул букҳада алар хизматларига мушарраф бўлуб, менинг борамда фотиҳалар ўқудилар”, – дейди ва уни “донишманд ва соҳибжамол киши”, деб таърифлайди.

Шоирнинг “Насойим ул-муҳаббат” китобида Навоийнинг таржимаи ҳоли, унинг атрофидаги кишилар, дўстлари ва устозлари тўғрисида қўшимча муҳим маълумотлар

мавжуд. А.Қаюмов таъкидлаб ўтганидек, бу маълумотларнинг аниқланиши ва ўрганилиши Навоий ҳаёти ва ижодини тўлароқ тадқиқ қилишда алоҳида аҳамият касб этмоғи шубҳасиздир[6].

Навоийнинг устозлари эътирофи борасида ёзган асарлари, фикр-мулоҳазалари ҳам алоҳида эътиборни тортади. 1492-1494 йили Навоий ўзининг энг яқин дўстлари ва маслақдошларидан бири бўлган устози Абдурахмон Жомий хотирасига бағишланган “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарини ёзганлиги маълум. У Навоий ва Жомий ўртасидаги устоз ва шогирдлик, ижодий ҳамкорлик тўғрисида маълумот етказа олиши билан диққатга сазовордир. Ҳирот фозилларидан Хожа Абдулазиз Жомий ҳам Навоийга илтифотли бўлган муҳтарам зотлардан бўлган. Бу ҳақда Навоий шундай деб ёзади: “Ва бу фақир борасида илтифотлари кўп эрди ва кўп қатла фотиҳа билан дуои хайр қилибтурлар, умид улки, мустажоб ўлмиш бўлғай” (160 бет). Хожа Абдулазиз Жомий саксон икки ёшида 902 (1496-97) йилда дунёдан ўтган.

Навоийнинг қаҳрамони ҳамиша шоирнинг ўз шахси деб қаралмаслиги керак. Ана шуни инобатга олиб, академик А.Қаюмов: “Навоий ўз ўқувчисининг юрак сирларини ҳам баён этади” дея огоҳлантириб ўтади.[7] Тўғрироғи, Навоий шеърларини фақат шоир қалбидаги кечинмалар инъикоси деб қабул қилмай, балки умуминсоний туйғуларнинг умумбашарий қонуниятлар асосида кўрсатилмоғи деб қараш тўғри бўлади.

Алишер Навоийни англашда А.Қаюмов Навоийнинг ижодига назар ташлар экан, улуғ шоирнинг айрим ғазал ёки қитъалари яратилишига қайсидир бир воқелик асос бўлганини аниқлаб, уларни янада чуқурроқ ўрганишга эътибор қаратган. Масалан, Навоий “Бадойиъ ул-васат” девонидаги қитъалардан бирида “Шоҳдан тундлиғ аччиқ, ғазаб, шиддат кўргузмаслик” ижроси учун келтирилган ўғитида хотирлашича, Қобулий деган ёш шоирнинг бир шеъри ўзига маъқул тушиб, уни шоҳ ҳузуринида шеърхонликда ўқимоқ учун тавсия этган. Аммо ундаги бир байтни ёш шоир тузата олмагани учун Навоий ўзи ёзиб бериб қўя қолган эди. Навоий услубидан яқин хабардор Султон Ҳусайн эса буни дарҳол пайқаган. Навоий ҳам султоннинг ҳақ эканини айтган. Навоийга Султон ёш шоирни шеърхонлик даврасида бу иш учун танбеҳ қилажагини билдирган. Аммо шеърхонликда Қобулий қатнашиб, ўз шеърини ўқиган чоғда султон унга ҳеч нарса демаган. ҳаёт тажрибаси асосида шакллантирган. Келтирилган ҳикояни Султон Ҳусайн Бойқаронинг бағрикенглиги, адолатпешалиги ҳақида айтилган ривоят сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Аммо ривоятлар жанрий табиати нуқтаи назаридан ҳаётини уйдирмага асосланиши ёдга олинса, ҳикоя қилинаётган воқеликнинг ҳаётда ҳақиқатан ҳам юз берган ёки бермагани тингловчини қизиқтиради.

Навоийнинг “Наводир ун-ниҳоя” девонидаги ғазалларида ҳам шоир кўнглига энг яқин бўлган ғоя ва фикрлар учрайди. Уларни шоир бевосита лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари, кечинмаларининг бадиий изҳори сифатида баён этгани кузатилади. Шоир ўзи яшаган давр, ижтимоий-сиёсий муҳит, атрофидаги доирага муносабатини очиқ-ойдин кўрсатишга ҳаракат қилади. Масалан, у “Наводир ун-ниҳоя”даги бир ғазалида шундай ёзган:

Навоий ўзингни қил ул навъфард
Ки, ўзлукни ҳам сол ўзингдан қироқ.

А.Қаюмов шоирнинг ушбу сатрларини таҳлил қилар экан, бу ғазал (№338) бошидан охиригача дунё, жаҳондан четланиш, ёлғизлик, алоҳидаликни тарғиб этувчи шеър эканини, Навоий “ўзингни қил ул навъфард” деган даъватига риоя этиб, шахсий ҳаётини мардона фард (якка)ликда ўтказганини афсус билан билдиради. Шу ўринда олим лирик чекиниш қилиб: “Улуғлар ҳаётни биздан кўра яхшироқ билганлар. Шунинг учун уларнинг қилмишларига баҳо беришдан биз бу масалада бирор узил-кесил фикр билдирмоқдан тортинамиз, узоқмиз ва бунга журъатимиз ҳам йўқ. Шунинг учун муҳтарам ўқувчиларимизга бу масалада бирор узил-кесил фикр билдирмоқчи эмасмиз. Эҳтимол, шоирда бундай қараш (фардлик) бошқа сабаблар туфайли ҳам юз бергандир”, – деб ёзади[8].

Навоий ҳеч қачон одамларни ирқи, дини, бир халққа мансублиги билан ажратмайди. Аксинча, у ҳамиша ҳамма одамни баробар қўяди. Улар ўртасида соф, покиза, ҳалол инсоний сифатларни ёймоққа бор кучи билан ҳаракат қилади. Унинг бу интилиши асарларида яратган образларининг турли миллат вакиллари сифатида танлангани орқали аёнлашади. Айниқса, бу чинлик Фарҳоднинг эронлик Шопур билан дўстлашиб, арман қизига муҳаббат қўйиши лавҳаларида ёрқин намоён бўлади. Бундай лавҳалар ёрдамида Навоий одамларнинг бир-бирига муҳаббатли ва ғамхўр бўлишини тарғиб этади.

Навоий дин ниқобини кийиб, элу юртини таловчи, халқни ғафлат ва қоронғуликка мубтало этувчи ясама, қалбаки “шайх”ларга қарши кескин ва қатъият билан курашган. Унинг “Ҳайрат ул-аброр”даги риёи хирқапўшлар тўғрисида ёзганлари, девонларидаги шу мавзуга бағишланган шеърлари ана шу курашга оид бадиий лавҳалар бўлиб, шоирнинг бу борадаги дунёқарашидан огоҳ этиб туради.

Азиз Қаюмов ўз кузатишлари давомида Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” ёки “Чор девон” куллиёти таркибига кирувчи учинчи “Бадое ул-васат” девонидаги ғазаллар орасида умуминсоний, оламшумул масалалардан ташқари, бевосита шоирнинг кундалик турмуши, ўзининг шахсий ҳолати, ксчинмалари, ҳатто нотоблигини тасвир этувчи шеърлари ҳам учраб туришини таъкидлаб, унинг сариғ касали билан оғригандаги аҳволини кўрсатувчи бир ғазал шу девонда борлигини билдиради. Жумладан, бу девондаги № 297-рақамли ғазал бўлиб, унда шундай дейилади:

Ярақондин менга гар бор эса рухсор сариғ.
Турфа кўнгилки, эрур дийдаи хунбор сариғ.
Кўзки, қон ёш оқибон бўлмаса сариғлиғи дафъ
Ранги гўёки сариғ лола киби бор сариғ...

Бу ғазалда шоир ўша сариғ касалининг қандай кечаётгани тўғрисида ёзади. Аммо шеър бетобликдан ҳасрат, хафалик билан эмас, балки боғда гулзор ҳам гоҳо гулни сариғ кўрсатмоғига нисбат билан якунланади:

Хас киби бўлса Навоийға сариғ юз, кулмагил,
Кўргизур гулни дағи боғда гулзор сариғ.

Навоий ижодига биографик нуқтаи назардан ёндашилганда, шоирнинг “Хазойин ул-маоний” куллиёти таркибидан ўрин олган тўртинчи “Фавойид ул-кибар” девонидаги турлича ҳажмли 32 бўлимлик “Соқийнома”си айрича эътиборни тортади. Чунки бу асар мазмуни Навоий мансуб бўлган муҳит, ундаги ижтимоий кайфият, Навоийнинг ҳурмат ва эътиборини қозонган айрим кишилар, шунингдек, шоирнинг ўз шахсий ҳаётига оид лавҳалар, фикр-ўйлари баёнидан ташкил топган. Шоир унда дунёдан ўтган айрим яқинлари, уларнинг “Бири ҳамсуҳбату ҳамдарду рафиқ, туққанамдан дағи юз қатла шафиқ” бўлиб, ҳаётини ё энг яқин дўст, ё ёр, ё фарзанд каби тўлдирганини айтиб ўтади. Айниқса, улар орасида Мирзобек, Мир Дарвеш, Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммадлар номини алоҳида тилга олиб ўтади. Уларнинг вафот этганини айтиб, нурли хотирасига ҳурматини баён қилади ва руҳидан ўзига мадад тилайди.

Хулоса. Алишер Навоий ижоди Азиз Қаюмов тадқиқотларининг асосий диққат марказидан ўрин эгаллаган. Олим кўп йиллик илмий изланишлари давомида улуғ шоир меросига ҳурмат ва ихлос билан назар солиб, унинг форсий, арабий, туркий ғазалларидан тузилган ҳар бир девоню “Хамса” таркибидаги дostonларидан тортиб, насрий, илмий асарларигача таҳлил ва тадқиқ этишга эришди. А.Қаюмовнинг кўпгина китоб ва мақолаларида Алишер Навоий асарларининг бадиий хусусиятлари, нозик қирралари шоирнинг биографиясига таяниб очиб берилгани муҳим жиҳат сифатида кўзга ташланади. Навоий асарларини биографик усулда, яъни муаллиф асарига унинг таржимаи ҳоли, яшаган даври нуқтаи назаридан ёндашиб ўрганиш адабиётшунос А.Қаюмов фаолиятининг устувор йўли бўлиб, Навоийни англашда, унинг асарлари моҳиятини чуқур тушунишда энг мақбул метод эканини тўлиқ намоён этади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Qayumov A.** Asarlar. 1-jild, 2-kitob. -Toshkent: Mumtoz so'z, 2008. - 183 b.
2. **Qayumov A.** Asarlar.1-jild, 2-kitob. - T.: Mumtoz so'z, 2008. - 400 b.
3. **Qayumov A. Alisher Navoiy.** - Toshkent: O'zbekiston, 2001. - 150 b.
4. **Qayumov A.** Asarlar. 2-jild. Navoiyning “Qush tili” dostoni. Go'zalliklar va nodirliklar (Navoiyning “Badoyi” ul-bidoya) va “Navodir un-nihoya” devonlari to'g'risida). - Toshkent: “Mumtoz so'z”, 2008. - 249 b.
5. **Qayumov A.** Asarlar. 3-jild. “Xamsa” sarlavhalari. “Badoe' ul-vasat”. Navoiyning hayot va ijod yo'li. - Toshkent: “Mumtoz so'z”, 2009. - 384 b.
6. **Qayumov A. Alisher Navoiy.** - Toshkent: O'zbekiston, 2001. - 301 b.
7. **Navoiy Alisher.** Lison-ut tayr. (Nasriy bayoni bilan). - T.: Adabiyot va san'at, 1991. -464 b.
8. [<http://www.litdefrance.ru/199/1131>]